

ТАСДИҚЛАЙМАН

Ўзбекистон матбуот ва ахборот
агентлиги

Бош директори ўринбосари

К. Мансуров

“ 8 ” июнь 2015 й.

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ва унинг тизимида коррупцияга қарши амалий ҳаракатларни олиб бориш комиссиясининг мажлис Баёни

2015 йил 18 июнь

№ 2

Тошкент ш.

Раислик қилувчи - К.Т. Мансуров - Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги Бош директори ўринбосари, Агентлик ва унинг тизимида коррупцияга қарши амалий ҳаракатларни олиб бориш бўйича комиссия раиси

Котиб - И.У. Назаров - Кадрлар ва мутахассислар тайёрлаш бўлими бошлиғи

Қатнашганлар - комиссия аъзолари, рўйхат бўйича

Кун тартиби - Агентлик марказий аппарати ва корхоналар ходимлари ўртасида коррупцияга қарши кураш чораларини такомиллаштириш бўйича ижтимоий сўров ўтказиш якунлари тўғрисида

Эшитилди:

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги Бош директорининг ўринбосари, Агентлик ва унинг тизимида коррупцияга қарши амалий ҳаракатларни олиб бориш бўйича комиссия раиси К.Т. Мансуров сўз олиб, Хукумат томонидан коррупцияга қарши кураш олиб бориш комплекс чора-тадбирлари ижросини таъминлаш мақсадида Агентлик марказий аппарати ва унинг тизимида ижтимоий сўров ўтказиш бўйича тезкор сўров натижаларини умумлаштириш зарурлигини қайд этди.

Мазкур сўровда Агентлик ва унинг тизими корхоналарининг 100 (юз) дан зиёд ходимлари иштирок этганлигини қайд этиб, сўров таҳлиллари қуйидагилардан иборат ишларни амалга ошириш кераклигини кўрсатди:

1. Коррупцияга қарши кураш бўйича “Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг коррупцияга қарши амалий ҳаракатлари дастури” ва “Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги давлат хизматчиларининг этика ва хизмат ахлоқи қоидалари” талабларини ходимлар ўртасида тизимли тушунтириб бориш бўйича семинарлар ўтказиш.

2. Корхоналар раҳбарлари томонидан ходимларнинг этика ва хизмат ахлоқи қоидаларига қатъий риоя қилиш бўйича мониторинг олиб бориш;

3. Хизмат кўрсатувчи соҳаларда банд бўлган ходимларнинг хизмат лавозими вазифаларини қайта кўриб чиқиш ва бошқалар.

Иштирокчилар томонидан берилган бир қатор саволларга раислик қилувчи томонидан қониқарли жавоблар берилди.

Йиғилиш кун тартибидаги масалани атрофлича муҳокама қилиб ва иштирокчиларнинг фикрларини эшитиб, қарор қилади:

1. Агентлик марказий аппарати ва унинг тизимида ижтимоий сўров бўйича тезкор сўров ўтказилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Агентлик ва унинг тизимида коррупцияга қарши амалий ҳаракатларни олиб бориш бўйича комиссия ва тизимдаги корхона ва ташкилотлар раҳбарларига қуйидагилар топширилсин:

- коррупцияга қарши кураш бўйича “Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг коррупцияга қарши амалий ҳаракатлари дастури” ва “Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги давлат хизматчиларининг этика ва хизмат ахлоқи қоидалари” талабларини ходимлар ўртасида тизимли тушунтириб бориш бўйича семинарлар ташкил қилиш;

- корхоналарда ходимларнинг этика ва хизмат ахлоқи қоидаларига қатъий риоя қилишлари бўйича мониторинг олиб бориш;

- хизмат кўрсатувчи соҳаларда банд бўлган ходимларнинг хизмат лавозими вазифаларини бир ой муддатда қайта кўриб чиқиш.